

АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2024 йил февраль ойининг 8 куни Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: Н.Зайнабидинов,

ҳайъат судьялари: А.Хабибуллаев, А.Исаковдан иборат таркибда, Д.Тождидиновнинг котиблигида, прокурор У.Шамшидинов, ҳимоячи А.Рахимов, судланган Н.Парманова, жабрланувчи О.Хусановнинг иштирокида, судланган Н.Пармановага оид жиноят ишини унинг апелляция шикояти асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

а н и қ л а д и:

Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2024 йил 11 январдаги ҳукмига кўра,

1989 йил 28 майда Жиззах шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 1 нафар вояга етмаган фарзанди бор, уй бекаси, Андижон шаҳри, Ўзбекистон МФЙ, МЖК кўчаси, 11-уйда яшаган, иши бўйича эҳтиёт чораси тариқасида шахсий кафиллик қўлланилган Парманова Наргиза Шавкат қизига

Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “л” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазо умумий тартибли колонияда ўташ белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Н.Парманова 2023 йил 19 сентябрь куни соат 10.30 ларда Андижон шаҳар Ўзбекистон МФЙ МЖК кўчаси 11-уйда ижарада яшовчи О.Хусанов билан ўзаро жанжаллашиб, жанжал давомида ёнида бўлган суд – криминалистика экспертизасининг 2023 йил 21 октябрдаги хулосасига кўра совуқ қурол сифатида фойдаланиш мумкин ошхона пичоғи билан уни қорин қисмига қасддан бир маротаба зарба бериб, суд – тиббий экспертизасининг 2023 йил 12 октябрдаги хулосасига кўра, қорин бўшлиғига тешиб ўтган, қорин бўшлиғи аъзоларини жароҳатламаган санчилик кесилган жароҳати каби ҳаёт учун хавфлилик мезонига кўра оғир тан жароҳати етказган айбли деб топилган.



Судланган Н.Парманова апелляция шикоятда, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, қарамоғида бир нафар ақли заиф фарзанди борлиги, ёлғиз аёл экани, оилавий шароити оғирлиги сабабли, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Жабрланувчи О.Хусанов эътирозномасида, Н.Парманова томонидан келтирилган шикоятга эътирози йўқлигини, Н.Парманованинг оила аъзолари томонидан унинг соғлиги тикланишига кетган ҳаражатлар қопланганини, унга нисбатан енгиллик беришни билдирган.

Апелляция инстанцияси, иш бўйича вилоят суди судьяси А.Исаковнинг маърузасини, прокурор У.Шамшидиновнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, ҳимоячи А.Рахимов ва судланган Н.Парманова, жабрланувчи О.Хусановнинг апелляция шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини, апелляция шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгартиришни лозим топди.

Суд ҳукмида, иш тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланган Н.Пармановнинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилган ва судда текширилган далиллар – судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оклайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун етарли деб ҳисобланиб, уларнинг юқорида қайд этилган жиноятни содир этгани, ўзининг айбига тўлиқ ва пушаймон бўлиб берган кўрсатуви билан бир қаторда, жабрланувчи ва гувоҳларнинг дастлабки тергов ва суддаги кўрсатувлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланганлиги ҳақида асосли хулосага келиниб, унинг ҳаракати ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “л” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Биринчи инстанция суди, судда аниқланган иш ҳолатларига асосланиб, жабрланувчига етказилган зарарлар қопланмаганини, даъвоси борлигини, қонуний жазо тайинлашни сўраганини, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олган ҳолда, судланган Н.Парманова аёллиги, қарамоғида бир нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, мукаддам судланмаганини инобатга олиб, унга нисбатан ЖК 57-моддасини қўллаб, у айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам муддатидан ҳам камроқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида адолатли тўхтамга келган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори 1-бандида, жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва



оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши, 37-бандида ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, ЖК Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирилган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиниши мумкинлиги (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф ҳулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к) ҳақида тушунтириш берилган.

Судланган Н.Парманова апелляция инстанцияси судида, айбига иқрорлигини, биринчи инстанция судида берган кўрсатувларини тасдиқлашини, қилган ишидан пушаймонлигини, ўзига тегишли ҳулоса чиқариб олганини, келгусида бу каби ҳолатлар такрорланмаслигини, ота – онаси ёшлигида ажрашишиб, онасини вафотидан кейин бувисининг қўлида катта бўлганини, биринчи турмушидан ажрашиб, ҳозирда шаърий никоҳ асосида яшаб келишини, оилада ёлғиз боқувчи бўлиб, қарамоғида 1 нафар вояга етмаган ақли заиф фарзанди борлигини, жабрланувчидан кечирим сўраганини, унга етказилган зарар тўлиқ қопланганини кўрсатиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш;

жабрланган О.Хусанов апелляция инстанцияси судида, судланган Н.Пармановага нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унинг 1 нафар ақли заиф вояга етмаган фарзанди борлигини, оиласида ёлғиз боқувчи эканини, етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қопланганини инobatга олиб, биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартириб, унга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш ҳақида кўрсатув берди.

ЖПКнинг 495-моддасида, апелляция инстанцияси суди суднинг айблов ҳукмини ўзгартириш чоғида жазони енгиллаштиришга ҳақли экани белгиланган.

Судлов ҳайъати, апелляция инстанцияси судида аниқланган иш ҳолатларига асосан судланган Н.Пармановага жазо тайинлашда юқоридаги Олий суд Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, айбдорнинг шахсини, муқаддам судланмаганини, жабрланувчига етказилган моддий ва манавий зарарларни тўлиқ қопланганини, даъвоси йўқлигини, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраб ариза билан мурожаат қилганини жиноятнинг



ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбланаётган қонун санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни, ЖКнинг 62-моддасига асосан қамоқда сақланган кунларини тайинланган жазодан чегиришни, жабрланувчи О.Хусановга етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қопланганини инобатга олишни;

ҳукмнинг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни, шикоятни қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹⁷, 497²⁶, 497³¹- моддаларига асосланиб, апелляция инстанцияси суди,

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Парманова Наргиза Шавкат қизига оид жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2024 йил 11 январдаги ҳукми ўзгартирилсин.

Парманова Наргиза Шавкат қизига Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “л” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Н.Парманованинг 2024 йил 11 январдан 8 февралга қадар қамоқда сақланган 28 кунни ЖКнинг 62-моддасига асосан чегирилиб, ўташ учун 1 йил 9 ой 6 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилиб, жазо ўташ муддати Н.Парманова жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Андижон шаҳар ИИО ФМБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

Н.Пармановага нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у дарҳол суд залидан қамоқдан озод қилинсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин, апелляция шикояти қаноатлантирилсин.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан шу суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Н.Зайнабидинов

Ҳайъат судьялари

А.Хабибуллаев

А.Исаков



Ҳужжат имзоланган: Исаков Абдурашид Абдуллахошимович, 12.02.2024



1-1701-2304/887